

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХАЙИТБОЕВА МУХАЙЕ РАВШАНОВНА**

**ТУХУМДОНЛАР САРАТОНИ НУР ДИАГНОСТИКАСИДА МАГНИТ -  
РЕЗОНАНС ТОМОГРАФИЯНИНГ ЎРНИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хайитбоева Мухайе Равшановна**

Тухумдонлар саратони нур диагностикасида

магнит - резонанс томографиянинг ўрни ..... 3

**Хайитбоева Мухайе Равшановна**

Роль магнитно-резонансной томографии в

лучевой диагностике рака яичников ..... 33

**Khayitboyeva Mukhayyo Ravshanovna**

The role of magnetic resonance imaging in the

radiological diagnosis of ovarian cancer ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 67**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХАЙИТБОЕВА МУХАЙЕ РАВШАНОВНА**

**ТУХУМДОНЛАР САРАТОНИ НУР ДИАГНОСТИКАСИДА МАГНИТ -  
РЕЗОНАНС ТОМОГРАФИЯНИНГ ЎРНИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1 PhD/Tib3373-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгашнинг интернет саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходжибеков Марат Худайкулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупалиева Гулнора Акмаловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мамадалиева Яшнара Салиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Ҳимоя 2025 йил “\_\_\_\_\_” соат \_\_\_\_\_ да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги ДСс./2025.Тиб Кенгаши йиғилишида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.:(+99871)227-13-27; Факс:(+99871)246-15-; email: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот марказида танишиш мумкин. Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.:(+99871)227-13-27; факс:(+99871)246-15-96; [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)

**М. Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Е. В. Бойко**

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Н.Абдихакимов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги.** Тухумдонларнинг хавфли ўсмалари энг мураккаб тиббий-ижтимоий муаммолардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... 2022-йилда дунёда 324 603 та янги тухумдон саратони ҳолати қайд этилган бўлиб, бу ҳар 100 000 аёлга 6,7 боғлиқ стандартлаштирилган касалланиш кўрсаткичини (СКК) ташкил қилади. Ўша йили 206 956 аёл ушбу касалликдан вафот этди, бу 100 000 аёлга 4,0 СККга тўғри келади. 2050-йилга бориб касалланиш 55%, ўлим эса 70% ошиши кутилмоқда...»<sup>1</sup>. Ташхис ва даволашда эришилган ютуқларга қарамасдан, тухумдон саратони айниқса, касаллик кўпинча кеч босқичларда аниқланиши сабабли даволашда энг қийин бўлган саратон турларидан бири бўлиб қолмоқда. Эрта ташхис муаммоси, самарали скрининг усулларининг йўқлиги ва ўлим даражасининг юқорилиги туфайли, ушбу касаллик замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳон илмий муҳотида тухумдонлар саратонини эрта босқичларда аниқлаш, даволаш самаралироқ бўлиши учун ташхислашни такомиллаштириш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, аниқ ташхис қўйиш имкониятини ошириш, хавфли ва хавфсиз ўсмаларни самарали тарзда фарқлаш, шунингдек, даволаш стратегиясини белгилашда шифокорларга ёрдам бера оладиган, ноинвазив ва ишончли усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, анъанавий МРТ тадқиқотларини чуқур таҳлил қилиш, уларни машинали ўқитиш алгоритмлари билан уйғунлаштириш орқали ташхислаш самарадорлигини ошириш мумкин. Бу эса тухумдон ўсмалари бўйича илмий тадқиқотлар ва клиник амалиёт ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаб, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. Шу боис, тухумдон ўсмаларининг табиати ва хусусиятларини ноинвазив, операциягача бўлган прогнозлаш усули сифатида анъанавий МРТ имкониятларини чуқур таҳлил қилишга объектив эҳтиёж мавжуд.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида онкологик касалликларни, жумладан, тухумдон саратонининг эрта аниқлаш ва самарали даволаш усулларини жаҳон андозалари талаблари асосида ривожлантириш, аҳолини ҳар томонлама ижтимоий ва тиббий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан мамлакат миқёсида «...аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш...»<sup>2</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бу эса замонавий технологик имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда тухумдон саратонини эрта ташхислаш ва самарали даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб боришни долзарб масалага айлантирмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш орқали тухумдон саратонини эрта босқичда аниқлаш, замонавий

<sup>1</sup>[https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group\\_populations=0&cancers=25&types](https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group_populations=0&cancers=25&types)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

визуаллаштириш ва таҳлил усуллари жорий этиш, ҳамда беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мумкин, бу эса касаллик асоратлари, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон - 2030” фоармонида белгиланган аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислоҳатларни ҳал этишга маълум даражада хизмат қилади. Президентнинг 2022-йил 22 январдаги ПҚ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг ВИ "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Тиббиёт амалиётида МРТ маълумотлари одатда визуал баҳоланадиган сифат хусусиятлари асосида талқин қилинади ва уларнинг натижаси кўп жиҳатдан мутахассиснинг касбий тажрибаси ва малакасига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, МРТ тасвирларида аниқланадиган тухумдон ҳосилаларининг белгилари ҳар доим ҳам ўзига хос эмас, чунки улар кўп ҳолларда бир-бирини қоплаб кетади. Бу эса қиёсий таҳлилда хатоликлар юзага келиш хавфини оширади.

Гистологик маълумотлар билан таққослашга асосланган турли муаллифларнинг маълумотларига кўра, тухумдон ўсмаларининг хавфлилигини башорат қилишда анъанавий МРТ аниқлиги 83% дан 93% гача ўзгариб туради (Sahaib et al., 2005; Chilla et al., 2010; Lyer and Lee, 2010; Zhang et al., 2014). Тасвирлар асосида таниб олишнинг анъанавий усуллари, асосан, субъектив равишда баҳоланадиган сифатли МРТ белгиларига асосланган. Шунининг олган ҳолда, сўнгги йилларда ортиклар ва тухумдон ҳосилаларида МРТ тасвирларини миқдорий ва ярим миқдорий баҳолаш усуллари ривожлана бошлади.

2013 йилда Томассин-Наггара ҳаммуаллифлари билан биргаликда ултратовуш текширувида ноаниқ деб топилган ортиклар ҳосилаларини тавсифлаш мақсадида МРТ асосида қўшимча ҳосилаларни баҳолаш учун махсус скоринг тизимини — ADNEX MRT ни таклиф этдилар. Ушбу тизимда тасвирлар 5 балли шкала бўйича баҳоланади: 1 ва 2 балл — хавфсиз, 3 балл — хавфли ўсма, 4 ва 5 балл эса хавфлилигининг ўртача ва оралиқ даражасига эга ҳосилалар деб баҳоланади. Таклиф этилган ушбу баҳолаш тизими ўсмалар хавфини табақалаштиришда 93,5% сезгирлик ва 96,6% ўзига хосликка эришди. Кейинчалик бу скоринг тизими Европа миқёсидаги йирик кўп марказли тадқиқотларда юқори такрорланувчанлик ва аниқлик билан тасдиқланди ҳамда 2020 йилда O-RADS MRT — тухумдон ҳосилаларини

тавсифлаш ва аниқлаш учун стандартлаштирилган тизим сифатида расман эълон қилинди. Асл тадқиқотда O-RADS MRT тизимининг тухумдон ўсмалари хавфлилигини башорат қилишдаги сезгирлиги 91%, ўзига хослиги эса 93% ни ташкил этган. Даби ва ҳаммуаллифларнинг 2024 йилдаги сўнгги нашрида бу кўрсаткичлар мос равишда 89,6% сезгирлик, 92,4% ўзига хослик ва 92% аниқликни ташкил этди. Ҳозирги вақтда O-RADS MRI скоринг модели амалиётда энг кўп тавсия этилаётган усуллардан бири ҳисобланади. Бироқ, юқорида қайд этилган юқори кўрсаткичлар O-RADS тизимида динамик контраст кучайтирилган кўп параметрли МРТ қўлланилиши натижасида эришилган. Хусусан, вақт бўйича сигнал интенсивлиги эгри чизиқларини таҳлил қилиш — O-RADS 3 ва 4 скоринг гуруҳларига кирувчи беморларда хавfli ва хавфсиз ўсмаларни фарқлашда муҳим роль ўйнайди. Бу гуруҳларга хавф даражаси паст бўлган ва хавфи оралиқ даражада баҳоланган тухумдон ўсмалари киради. Шу боис, O-RADS MRT тизимининг асосий чекловларидан бири — динамик контраст кучайтириш талаб этилиши ҳисобланади. Бу эса гадолиний асосидаги контраст моддаларини қўллаш мумкин бўлмаган беморларда текширувни ўтказишни чеклайди ёки умуман имконсиз қилади.

Сўнгги йилларда анъанавий МРТ белгиларини балли баҳолашга асосланган скоринг тизимларини ишлаб чиқиш ва прогностик моделларни, шунингдек, тухумдон ўсмалари тасвирининг МРТ текстура белгиларига асосланган радиомик моделларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Прогностик таснифлаш моделларини яратишда сунъий интеллект алгоритмларидан фойдаланилди. Ушбу муаммога қизиқиш ортиб бораётганига қарамай, тухумдон ўсмаларида МРТ таснифий моделларини машинавий ўқитиш усулида куришнинг кўплаб жиҳатлари етарлича ўрганилмаган ва стандартлаштирилмаганлигича қолмоқда, бу эса уларни амалиётга жорий этишни секинлаштирмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** МРТ асосидаги машинали ўқитиш усуллари ёрдамида ишлаб чиқилган скоринг моделларидан фойдаланган ҳолда, тухумдон ўсмаларининг хавфсиз ёки хавfli табиатини, шунингдек, тухумдон саратонининг хавfliлик даражаси ва тарқалишини башорат қилиш орқали уларнинг дифференциал диагностикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тухумдонларнинг хавфсиз ва хавfli ўсмаларини қиёсий ташхислашда анъанавий МРТнинг маълумотлилигини аниқлаш;

машинали ўқитиш усулларидадан фойдаланган ҳолда визуализацияланадиган тухумдон ўсмаларини фарқлаш учун МРТ-скоринг предиктив моделини ишлаб чиқиш;

тухумдонлар саратонининг хавфлилик даражаси ва тарқалишини башорат қилиш учун машинали ўрганишга асосланган МРТ-скоринг моделини ишлаб чиқиш;

операциядан олдинги дифференциал диагностика ва тухумдон ўсмаларини башорат қилишда МРТ скоринг моделларининг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида жарроҳлик биопсияси натижалари билан тасдиқланган 179 нафар тухумдон ўсмасига эга аёл танлаб олинди. Уларнинг 73 нафаридан хавфсиз, 106 нафаридан эса хавфли ўсмалар аниқланган. Барча беморлар "Magnetom Sonata" (Siemens, Германия) 1,5 Тесла магнит индукциясига эга бўлган қурилмада бажарилган чанок соҳасининг МРТ текширувини ўз ичига олган комплекс клиник-лаборатор ва инструментал текширувдан ўтказилган. Шунингдек, барча ҳолатларда ўсма жарроҳлик йўли билан олиб ташланган ва кейинчалик унинг макроскопик ҳамда гистологик таҳлили амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг предмети** тухумдон ўсмаларининг МРТ белгиларининг диагностик ва прогностик аҳамияти, шунингдек, ўсмаларнинг дифференциал диагностикаси ва хавфлилик даражасини баҳолаш учун машинали ўқитиш усулларидадан фойдаланган ҳолда ушбу белгилар асосида скоринг моделларини қуриш самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-инструментал, радиологик, морфологик, статистик ва математик усуллардан фойдаланилган, жумладан: кўп текисликли сканерлаш (T2WI, T1WI, FSE, TSE, RARE) билан магнит-резонанс томография; кейинчалик ўсма тўқимасини гистологик текшириш билан жарроҳлик аралашувлари; ишлаб чиқилган назорат варағи бўйича визуализация қилинадиган белгиларнинг тузилмавий тавсифи; рейтинг балларини бериш билан МРТ белгиларини тоифалаш; машинали ўрганиш усулларидадан фойдаланган ҳолда прогностик моделларни қуриш; кўп вариантли логистик регрессия таҳлили; Стюдент т-мезони ва Краскел-Уоллис мезонидан фойдаланган ҳолда маълумотларни статистик қайта ишлаш; ROC-таҳлилдан фойдаланган ҳолда моделларнинг диагностик самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

анъанавий МРТ текширувининг тухумдон ўсмаларининг дифференциал диагностикасида машинали ўқитиш асосида ўсманинг ўлчами, шакли, структураси ва девори қалинлиги даражасига кўра, тухумдон ўсмаларининг хавфсиз ёки хавфлилик табиати кўрсаткичларни скоринг модел орқали ноинвазив комплекс интеграция аниқлаш усули билан такомиллаштирилган;

тухумдон саратонини аниқлашда МРТ белгилари асосида скоринг моделларини тузиш, диагностика жараёнида субъектив омиллар таъсирини камайтириш, жараёни автоматлаштириш ва белгилалар ўртасидаги коллинеарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда машинали ўқитиш технологияларидан фойдаланиш имкониятини яратиш заруратига асосланган;

тухумдон саратонини логистик предиктив моделни куриш билан кўп вариантли регрессион таҳлил асосида интеграция қилиш ҳисобига юқори ва паст даражали хавфли ўсмаларни 13 та релевант белгилар эканлиги асосланган;

МРТ дискриминациясининг High grade тухумдон ўсмаларида ва Low grade скоринг моделини куриш қайта танлаб олувчи Wrappers backward selection featuresни усули қўллаш йўли билан визуализацияланган тухумдон ўсмасининг хавфлилик индексининг предикторлари эканлиги исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

тухумдонларнинг хавфсиз ва хавфли ўсмаларини фарқлаш учун оддий МРТ текшируви маълумотлари бўйича аниқланадиган тухумдон ҳосилаларининг хавфлилик индекси ишлаб чиқилган. Ушбу индекс тухумдон ўсмаларини хавфсиз ва хавфли турларга фарқлаш учун ўзаро чегаравий (порог) қийматга эга эканлиги аниқланган;

таклиф этилган МРТ моделларидан фойдаланиш тухумдон ўсмаларининг операциягача бўлган таснифини аниқлигини оширишга, нотўғри ёки ноаниқ МРТ хулосалари сонини камайтиришга ҳамда даволашнинг оптимал тактикасини танлашда ёрдам беришга хизмат қилганлиги аниқланган;

тухумдон саратонининг паст ва юқори даражаларини фарқлаш, шунингдек, тухумдон саратонининг чекланган ва кенг тарқалган босқичларини фарқлаш учун тегишли МРТ индекслари таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарли эканлиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий илмий нашрларда чоп этилган маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, машинавий ўқитиш усули билан ишлаб чиқилган МРТ скоринг модели сунъий интеллект алгоритмларини қўллаш орқали тухумдон ўсмаларини нурли ташхислаш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имкониятини назарий асослашга катта ҳисса қўшади, модел предикторларини танлашнинг адекватлигини, унинг аниқлиги ва

ишончилигини таъминлайди, касалликнинг дастлабки босқичларида ташхислаш сифатини ошириш учун янги истиқболларни очади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тухумдон саратонини аниқлашда МРТ белгилари асосида скоринг моделларини тузиш диагностика жараёнида субъектив омиллар таъсирини камайтириш, белгилалар ўртасидаги коллинеарлик даражасини ҳисобга олиш ва жараённи автоматлаштириш имконини яратиши билан бирга, ушбу модел сунъий интеллектнинг илғор алгоритмларини қўллаш орқали сунъий тавсиялар бериш ва ташхис қўйиш жараёнини автоматлаштиришга имкон беради, бу эса тиббий ходимларнинг фаолиятини енгиллаштириб, беморларга тез ва аниқ тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 15 январ 11-сон ҳулосасига кўра:

*Биринчи илмий янгилик:* анъанавий МРТ текширувининг тухумдон ўсмаларининг дифференциал диагностикасида машинали ўқитиш асосида ўсманинг ўлчами, шакли, структураси ва девори қалинлиги даражасига кўра, тухумдон ўсмаларининг хавфсиз ёки хавфлилик табиати кўрсаткичларни скоринг модел орқали ноинвазив комплекс интеграция аниқлаш усули такомиллаштирилганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали (19.07.2024-йилдаги 81-ҳ-сон буйруқ) ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали (12.09.2024-йилдаги 02-05/236-сон буйруқ) клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* тухумдон ўсмаларининг операциядан олдинги диагностикасида скоринг моделини қўллаш аниқ диагностик ечимларнинг мавжудлигини оширишга ёрдам беради, нотўғри талқин қилиш ва кераксиз жарроҳлик аралашувлар эҳтимолини камайтиради. Усул, айниқса, юқори технологияли визуализация усулларида фойдаланиш имконияти чекланган ҳудудлардаги тиббиёт муассасалари учун долзарбдир. *Иқтисодий самарадорлик:* таклиф этилган ёндашув контраст кучайтирилган МРТни анъанавий МРТга алмаштириш орқали тухумдон ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш харажатларини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради. 179 нафар бемордан иборат гуруҳ учун иқтисодий самара 134 250 000 сўмни ташкил этди. *Ҳулоса:* ишлаб чиқилган скоринг модели юқори клиник ва иқтисодий самарадорликка эга. У ташхис қўйиш аниқлигини оширишга, асоссиз жарроҳлик аралашувлари сонини камайтиришга ва тиббий ечимлар сифатини яхшилашга ёрдам беради, бу айниқса чекланган ресурслар шароитида муҳимдир. Онкология амалиётида бундай технологияларни қўллаш тухумдон саратонини ташхислаш сифатини сезиларли даражада яхшилаши ва беморлар учун прогнозни яхшилаши мумкин.

*Иккинчи илмий янгилик:* тухумдон саратонини аниқлашда МРТ белгилари асосида скоринг моделларини тузиш, диагностика жараёнида

субъектив омиллар таъсирини камайтириш, жараёни автоматлаштириш ва белгилалар ўртасидаги коллинеарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда машинали ўқитиш технологияларидан фойдаланишдан асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали (19.07.2024 йилдаги 81-ҳ-сон буйруқ) ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали (12.09.2024 йилдаги 02-05/236-сон буйруқ) клиник амалиётига тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* моделларни ишлаб чиқиш МРТ маълумотлари асосида ҳосилаларнинг хавфлилигини баҳолашнинг янада аниқ ва объектив воситасини таъминлайди. Белгиларнинг статистик аҳамияти ва коллинеарлигини ҳисобга олган ҳолда тузилган скоринг моделидан фойдаланиш диагностик ноаниқликни камайтириш, клиник қарорларнинг асослилигини ошириш ва субъектив хатолик хавфини камайтириш имконини беради. Бу, айниқса, таҳлил учун чекланган вақт ва мутахассисларга юқори юклама шароитида жуда муҳимдир. Натижада ташхислаш сифати яхшиланади, ташхис қўйиш ва даволаш тактикасини танлаш тезлашади, бу эса беморнинг прогнози ва тиббий ёрдам самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. *Иқтисодий самарадорлиги* шифокорнинг иш унумдорлигини оширишдан иборат: моделлар тухумдон ҳосилаларини тез ва объектив баҳолашни таъминлайди, МРТ талқинига кетадиган вақтни қисқартиради ва диагностик ноаниқликни камайтиради. Бу шифокорга қўшимча текширувлар ўтказмасдан асосли қарорлар қабул қилиш имконини беради, бу эса юкламани камайтиради ва тиббиёт муассасасининг ресурсларини тежайди. Таҳлилни автоматлаштириш ва хатолар эҳтимолини камайтириш орқали такрорий маслаҳат ва шикоятлар хавфи камаяди, шунингдек, камроқ вақт ва молиявий харажатлар билан ёрдам кўрсатиш сифати яхшиланади. *Хулоса:* Машинали ўрганиш усулларида фойдаланган ҳолда МРТ-скоринг моделларини ишлаб чиқиш диагностика жараёнини такомиллаштиришда муҳим қадам ҳисобланади. Ушбу моделлар нафақат башоратларнинг аниқлиги ва ишончилигини оширади, балки юқори иқтисодий самарадорликка ҳам эга. Шифокор учун улар ташхисни тезлаштиришга, юкламани камайтиришга, шунингдек, қўшимча текширувлар сонини камайтиришга ёрдам беради, бу эса ресурсларни тежаш ва даволаш сифатини яхшилашга олиб келади.

*Учинчи илмий янгилик:* тухумдон саратонини логистик предиктив моделни куриш билан кўп вариантли регрессион таҳлил асосида интеграция қилиш ҳисобига юқори ва паст даражали хавфли ўсмаларни 13 та релевант белгилар эканлиги асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали (19.07.2024-йилдаги 81-ҳ-сон буйруқ) ҳамда мазкур марказнинг Фарғона филиали (12.09.2024-йилдаги 02-05/236-сон буйруқ) амалий фаолиятига тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ноаниқ ҳолатлар улушини

камайтириш асосиз жарроҳлик аралашувлар сонини камайтиришга ёрдам беради ва қўшимча ташхис қўйишга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Прогнознинг юқори аниқлиги хавфли ўсмаларни эрта аниқлашга ёрдам беради, бу эса даволаш натижасига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу технология, айниқса, худудий тиббиёт муассасалари учун муҳим бўлиб, шифокорнинг субъектив тажрибасига ортикча боғлиқ бўлмаган ҳолда асосли қарорлар қабул қилишни таъминлайди. *Иқтисодий самарадорлик:* Операциядан олдинги башоратлаш аниқлигининг яхшиланиши 10% беморларда кераксиз жарроҳлик аралашувларини истисно қилиш имконини берди, бу эса 107 400 000 сўмни тежашга олиб келди. Бундан ташқари, қўшимча текширувларга бўлган эҳтиёжнинг камайтириши соғлиқни сақлаш муассасаларига юқламани камайтиради, ресурсларни янада оқилона тақсимлашга ва тизимнинг умумий самарадорлигини оширишга ёрдам беради. *Хулоса:* Хавфлилик индексини аниқлаш билан ишлаб чиқилган МРТ скоринг модели диагностика сифатини сезиларли даражада яхшилади, ноаниқ клиник ҳолатлар сонини камайтиради, қўшимча текширувларга бўлган эҳтиёжни камайтиради ва кераксиз жарроҳлик аралашувлардан қочиш имконини беради. Бу беморларда прогнозни яхшилашга, даволаш ва диагностика муолажалари харажатларини камайтиришга, шунингдек, айниқса чекланган ресурслар шароитида Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини оптималлаштиришга ёрдам беради.

*Тўртинчи илмий янгилик:* МРТ дискриминациясининг High grade тухумдон ўсмаларида ва Low grade скоринг моделини куриш қайта танлаб олувчи Wrappers backward selection featuresни усули қўллаш йўли билан визуализацияланган тухумдон ўсмасининг хавфлилик индексининг предикторлари аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали (19.07.2024-йилдаги 81-х-сон буйруқ) ва шу муассасанинг Фарғона филиали (12.09.2024-йилдаги 02-05/236-сон буйруқ) клиник фаолиятига жорий этилган, бу уларнинг амалий қиймати ва самарадорлигини тасдиқлайди. *Ижтимоий самарадорлиги:* Ўсманинг хавфлилик даражаси ва босқичини тўғри баҳолаш адекват даволашни ўз вақтида бошлашга ёрдам беради, касалликнинг гипердиагностикаси ёки оғирлигини етарлича баҳоламаслик хавфини камайтиради. Бу, айниқса, замонавий диагностика усулларида фойдаланиш имконияти чекланган шароитда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширади ва беморлар учун прогнозни яхшилашга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлик:* МРТ-скоринг моделларидан фойдаланиш қиммат визуализация усулларида харажатларни камайтириш имконини беради, бу эса текширувнинг умумий нархини пасайтиради. Ўсманинг хавфлилик даражаси ва тарқалганлигини янада аниқроқ аниқлаш кераксиз жарроҳлик аралашувлари ва ортикча терапиянинг олдини олади, беморлар учун ҳам, умуман Соғлиқни сақлаш тизими учун ҳам тежамкорликни таъминлайди. Бу

ресурсларни оқилона қайта тақсимлаш ва кучларни ҳақиқатдан ҳам интенсив аралашувни талаб қиладиган ҳолатларга йўналтириш имконини беради. *Хулоса:* Визуаллаштириладиган МРТ-белгилар асосида машинали ўрганишни қўллаш тухумдон саратони хавфлилик даражасининг модел индекси ва унинг чегаравий қиймати бўйича 84,1% аниқлик билан юқори ва паст хавфлилик даражасидаги тухумдон саратони дискриминациясининг башоратли скоринг моделини яратиш имконини берди. Машинали ўқитиш усули билан тухумдон саратонининг чекланган ва кенг тарқалган босқичларини фарқлаш учун яратилган скоринг моделига келсак, у чекланган аниқликни кўрсатди - 61,8% ва ҳозирги босқичда уни амалиётга тавсия қилиш мумкин эмас, гарчи моделнинг бошқа параметрлари унинг истиқболлилигини ва янада кўпроқ вакиллик қиладиган дастлабки материалда ўрганиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Ушбу технологияни жорий этиш оптимал даволаш тактикасини ўз вақтида танлашга ёрдам беради, гипердиагностика хавфини ва ташхис қўйишдаги кечикишларни камайтиради, беморларда прогнозни яхшилайти ва ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали соғлиқни сақлаш фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширади.

М.Р.Хайитбоеванинг «Тухумдонлар саратони нур диагностикасида магнит - резонанс томографиянинг ўрни» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тошкент Тиббиёт Академиясининг 2025 йил 15 январдаги 11-06-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўлланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 107 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Адабиётлар шарҳи”** да тухумдон саратони муаммосининг моҳиятини очиб берувчи адабиётлар шарҳи келтирилган. Тухумдон ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш соҳасида қўйилган вазифаларнинг долзарблиги асосланган. Ушбу бобда муаллиф томонидан тухумдон ўсмаларининг этиологияси ва таснифлаш тамойиллари ва тухумдон ўсмаларини нур ташхислаш усуллари тўғрисидаги замонавий ғоялар батафсил баён этилган бўлиб, ушбу патологияни ташхисловчи турли модалликларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилган. Замонавий адабиёт манбаларини танқидий таҳлил қилиш асосида муаллиф замонавий диагностик нур технологияларидан фойдаланган ҳолда тухумдон саратонини ташхислаш ва босқичлашнинг ҳал қилинмаган масалаларига эътибор қаратади.

Диссертациянинг **иккинчи боби “Тадқиқотнинг материал ва усуллари”** да тухумдон ўсмаларини дифференциал ташхислашда МРТ самарадорлигини ўрганишга қаратилган материаллар ва усуллар таҳлиliga бағишланган. Тадқиқотда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида 2021-2025-йиллар давомида даволанган 179 нафар бемор қамраб олинди. Гистологик таҳлил маълумотларига кўра, 73 тасида хавфсиз ТЎ, 106 тасида эса хавфли ТЎ аниқланган. Тадқиқотга киритилган беморларнинг ёши 20 дан 72 ёшгача бўлган (1-жадвал).


#### 1-жадвал

#### Беморларни ёши бўйича тақсимлаш

Ёш даври	Хавфсиз ТЎ (n=73)		Хавфли ТЎ (n=106)	
	Абс	%	Абс	%
20-30	23	31,5	8	7,5
31-40	16	21,9	13	12,3
41-50	13	17,8	22	20,8
51-60	14	19,2	38	35,8
61-70	6	8,2	22	20,8
70 ва ундан ортиқ	1	1,4	3	2,8
Жами	73	100	106	100


Гистологик тури бўйича ўсмалар куйидагича тақсимланди (1-расм).

Тухумдонларнинг хавфсиз ўсмалари (n=73)



- Сероз цистоаденома
- Эндомиоид киста
- Геморрагик киста
- Мутциноз киста
- Дермоид киста
- Параовариал киста

Тухумдонларнинг хавфли ўсмалари (n=106)



- Сероз аденокарцинома
- Муциноз аденокарцинома
- Дисгерминома
- Гранулоцеллюляр ўсма
- Бреннер ўсмаси

### 1-расм. Тухумдон ўсмаларининг гистологик тури бўйича тақсимланиши (n=179)

Энг кўп учрайдиган хавфсиз ўсмалар сероз цистоаденомалар, хавфли ўсмалар орасида сероз аденокарциномалар эди. Хавфли ўсма билан касалланган 69 нафар беморда гистологик текширувда хужайра дифференциацияси даражаси аниқланиб, 19 нафар беморда юқори дифференциацияланган саратон (G1), 21 нафар беморда ўртача дифференциацияланган (G2) ва 29 нафар беморда паст дифференциацияланган (G3) саратон аниқланди.

Тухумдон ўсмалари билан текширилган беморлар тасодифий равишда икки гуруҳга бўлинган: 1. Асосий гуруҳ (ўқув тўплами) 126 нафар бемордан иборат бўлиб, шу жумладан 54 нафари хавфсиз ўсмалар ва 72 нафари хавфли ўсмалар билан; 2. Назорат гуруҳига (тест тўплами) 53 нафар бемор, шу жумладан 19 нафар хавфсиз ва 34 нафар хавфли ўсмалар киритилган.

Барча беморлар жарроҳлик йўли билан даволанди, шу жумладан 41 беморда диагностик лапаротомия, 22 беморда цистектомия, лапароскопик жарроҳлик амалиёти ва бачадон ва унинг ортиқлари ампутацияси 30 беморда, қолган 86 беморда лапаротомия ва бачадон ва унинг ортиқлари экстирпацияси ва оментэктомия амалга оширилди. Барча ҳолатларда жарроҳлик амалиёти вақтида гистологик текширув учун ўсма тўқималаридан намуналар олинди.

Аёлларда чаноқ текшируви “Magnetom Sonata” (Siemens, Германия) 1,5 Тл ускунасида ўтказилди. МРТ сканерлаш протоколи T2 ўлчанган юқори аниқликдаги тасвирларни (T2WI) ўз ичига олади: турбо-спин акс-содоси,

TSE; тез спин акс-садоси, ФСЕ; релаксацияни кучайтириш билан тез сурагга олиш, учта текисликда РАРЕ.

Сагиттал T2WI олиш учун қуйидаги параметрлардан фойдаланилди: TR = 500-4210 мс, TE = 77-132 мс, CT = 4 мм, FOV = 200-300 мм, матрица - 256x448, ўртача сагиттал бурчак.

Кўндаланг T2WI: TR = 500-7265 мс, TE = 88-132 мс, кесим қалинлиги = 4 мм, ФОВ = 200-300 мм, матрица - 256x512, уретрага перпендикуляр бурчак.

Коронар T2WI: TR = 500-7265 мс, TE = 80-132 мс, кесим қалинлиги = 4 мм, ФОВ = 200-260 мм, матрица - 256x512, бурчак уретрага параллел.

T1 - ёғни сўндиришсиз тортилган спин-акс-садо тасвирлари: TR = 556-782 мс, TE = 10-17 мс; ФОВ = 230 мм, тасвирлар матрицаси, 512 × 512;

T1 - TR/TE, 548-816/10-15 мс ёғни сўндириш билан тортилган спин-акс-садо тасвирлари; тасвир матрицалари 512 × 512, ФОВ = 230мм.

## 2-жадвал


### Тухумдон ҳосилаларининг МРТ белгиларини қидириш ва тавсифлаш учун назорат варақаси

1.	Ўсманинг ўлчами (см)
2.	Ўсманинг жойлашуви (бир/икки томонлама)
3.	Шакли (тўғри/нотўғри)
4.	Ўсма контурлари (аниқ/ноаниқ)
5.	Қирралари (текис, нотекис - ғадир-будур ёки спикуласимон)
6.	Ҳосила тури (кистоз/кистоз-солид/асосан солид)
7.	Кистоз ҳосила деворларининг қалинлиги (мм).
8.	Ўсма деворлари, тўсиқларида сўрғичсимон ўсимталар (йўқ/бор)
9.	Папилляр ўсимталар ўлчами, мм.
10.	Регионар лимфа тугунларининг 1 см дан ортиқ катталашиши.
11.	Асцит (йўқлиги/борлиги)
12.	Чаноқ бўшлиғида ортиқча суюқлик мавжудлиги (йўқ/бор)
13.	Қорин бўшлиғига МТС (қорин парда, чарви, қорин бўшлиғи аъзолари)

МРТ тасвирларининг таҳлили тузилмавий тавсиф учун назорат варағидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди (2-жадвал).

Протоколга киритилган МРТ белгилари тавсифи машинали ўқитиш учун маълумотлар базаси сифатида ишлатилган.

Анъанавий МРТ белгилари асосида тухумдон ўсмаларининг прогностик таснифий моделларини қуриш учун бир нечта кетма-кет босқичларни ўз ичига олган машинали ўрганиш (ML) усули қўлланилди (2-расм).



**2-расм. МРТ таққиқот маълумотлари бўйича назорат қилинадиган машина таълими усули билан тухумдонларнинг визуаллаштириладиган ҳосилаларининг табиатини башорат қилишнинг скоринг моделини яратиш жараёни**

Биринчи босқичда шифокор-радиолог аниқланган тухумдон ҳосилаларини тавсифловчи визуализацияланган МРТ белгиларини тоифалаштирди (3-жадвал, 2 расм);

Иккинчи босқичда ЭХМ оператори машинали ўқитиш учун дастлабки маълумотлар тўплами сифатида компьютерга тоифалаштирилган МРТ белгиларини киритди. ML жараёнида сунъий интеллектнинг тегишли алгоритмлари ёрдамида муҳим (релевант) белгилар ажратиб олинди, моделнинг сифати ва ишончлилигини пасайтириши мумкин бўлган боғлиқ (коллинеар) белгилар бартараф этилди. Асосий гуруҳнинг танланган предикторлари асосида логистик регрессион прогностик модель тузилди, кейинчалик унинг самарадорлиги ROC-таҳлил ёрдамида баҳоланди.

Учинчи босқич моделнинг ишончлилигини тасдиқлаш учун назорат (синов) гуруҳи маълумотларида моделнинг такрорланувчанлигини текширишни ўз ичига олди.

Текширувдан сўнг модель тухумдон ўсма ҳосилаларини ташхислаш ва башорат қилишни яхшилашни таъминлаган МР-ташхисотчи ва онколог шифокорларнинг амалий фаолиятига жорий этиш учун тавсия этилди.

**3-жадвал**

**Тухумдон ўсмлари табиатининг МРТ белгилари ва клиник кўрсаткичларини таснифлаш шкаласи**

Ўқ	МРТ белгилари ва ўсма параметрлари	Туркум баллари
<b>1.</b>	<b>Ўлчами:</b>	
	- 60 мм гача	0
	- 60 мм дан катта	1

**3-жадвал (давоми)**


<b>2.</b>	<b>Шакли:</b>	
	-тўғри	0
	-нотўғри	1
<b>3.</b>	<b>Ўсманинг жойлашиши</b>	
	- бир томонлама	0
	- икки томонлама	1
<b>4.</b>	<b>Қирралар:</b>	
	-текис	0
	-нотекис - ғадир-будур ёки спикуласимон	1
<b>5.</b>	<b>Ўсма тури:</b>	
	-кистоз	0
	-кистоз-солид	1
	-асосан мустаҳкам	2
<b>6.</b>	<b>Ички тузилма:</b>	
	- бир камерали	0
	- кўп камерали	1
<b>7.</b>	<b>Девор қалинлиги:</b>	
	- 3 мм дан кам	0
	- 3 мм дан ортиқ	1
<b>8.</b>	<b>Папилляр ўсимталар:</b>	
	-йўқ	0
	-бор	1
<b>9.</b>	<b>Ўлчами</b>	
	- 3 мм гача бўлган папилляр ўсимталар	0
	- папилляр ўсимталар 3 мм дан ортиқ	1
<b>10.</b>	<b>Асцит:</b>	
	-асцит йўқлиги	0
	-асцит мавжудлиги	1
<b>11.</b>	<b>Чаноқ бўшлиғида ортиқча суюқлик мавжудлиги</b>	
	- йўқ	0
	- мавжудлиги	1
<b>12.</b>	<b>Регионар лимфа тугунларининг катталашиши:</b>	
	- 1 см дан кам	0
	- 1 см дан ортиқ	1
<b>13.</b>	<b>Қорин бўшлиғига метастазлар:</b>	
	-мтс йўқ	0
	-мтс мавжудлиги	1
<b>14.</b>	<b>СА - 125 даражаси</b>	
	≤ 35 ед/мл	0
	> 35 ед/мл	1
<b>15.</b>	<b>Ёши</b>	
	Репродуктив ёш	0
	Менопауза	1

## Ўсма ўлчами




A

## Ўсма четлари



B

## Асцит



C


3-расм. МРТ белгиларини тоифлаш.

МРТ белгиларини маълумотлар базасида компьютерга киритишдан олдин тоифалаш 3-расмда кўрсатилганидек, ҳар бир белгига рейтинг баллини бериш орқали амалга оширилди. Масалан, агар ўсманинг максимал ўлчами 60 мм гача ёки унга тенг бўлса, бу белгига 0 балл, 60 мм дан катта бўлса - 1 балл (А) қўйилган. Агар ҳосила текис қирраларга эга бўлса - 0 балл; ғадир-будур, нотекис - 1 балл (В). Асцит бўлмаганда (С) белгига - 0 балл, мавжуд бўлганда эса - 1 балл берилди.


Маълумотларга статистик ишлов бериш Windows XP Professional операцион тизимида MedCalc дастурий пакети ёрдамида амалга оширилди. Таҳлил учун статистиканинг параметрик ва нопараметрик усуллари, шу жумладан фарқларнинг аҳамиятини баҳолаш учун Студентнинг t-мезони ( $p < 0,05$ ) қўлланилди. Гуруҳларда МРТ белгиларининг частотасидаги фарқ Краскел-Уоллис статистикаси ёрдамида аниқланди. Тухумдон ўсмаларининг табиати ва хавфлилик даражасини башорат қилиш учун МРТ скоринг моделлари балли тизимда таснифланган визуализатсия қилинадиган белгилар асосида машинали ўрганиш усули билан ишлаб чиқилган. Тегишли ноколлинеар белгиларни танлаш учун босқичма-босқич тесқари танлашнинг ўраш технологияси алгоритмларидан фойдаланилди. Модель кўп вариантли логистик регрессия ёрдамида қурилган ва унинг самарадорлиги (сезгирлиги, ўзига хослиги, аниқлиги, башорат қилиш қиймати) ROC таҳлили ёрдамида баҳоланган.

Диссертациянинг **“Тухумдонлар хавфли ўсмаларини дифференциациялашда магнит-резонанс томография”** деб номланган **учинчи боб**ида тухумдонларнинг хавфсиз ва хавфли ўсмаларини фарқлаш учун анъанавий МРТ усулининг диагностик самарадорлигини таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Тухумдон ўсмалари билан оғриган асосий гуруҳдаги 126 нафар беморнинг МРТ текшируви маълумотлари анъанавий T2-ваззли конвенционал тасвирлар таҳлили ёрдамида баҳоланди. Асосий эътибор ўсманинг табиатини (хавфсиз ёки хавфли) аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган визуал хусусиятларга қаратилди.

Анъанавий МРТ таҳлилида олинган маълумотларни умумлаштириб, ўсманинг хавфсиз ёки хавфли эканлигини тахмин қилиш мумкин. Тухумдонларнинг хавфсиз ҳосилаларини кўрсатадиган асосий белгиларга кистоз ҳосила капсуласининг юпқа деворлари (3 мм дан кам), солид компонентнинг йўқлиги, ҳосиланинг аниқ чегаралари, T2 да кистоз бўшлиқларнинг асосанг гиперинтенсив сигналнинг устунлиги киради. Хавфли ўсмалар учун солид компонентнинг мавжудлиги, қалинлашган (3 мм дан ортиқ) деворлар ёки тўсиқлар, баландлиги 4 мм дан ортиқ бўлган папилляр ўсимталарнинг мавжудлиги, шунингдек, асцит, метастазлар ва лимфаденопатия хосдир (4-расм, 5-расм).



**4-расм. Тухумдонларнинг яхши сифатли ҳосилаларининг МРТ намуналари.** А) МРТда фронтал текисликда бир камерали юпқа деворли кистоз ҳосила кўринади, контурлар силлиқ, аниқ ва Т2- тасвирларда юқори сигналга эга, бу фолликуляр киста учун хосдир. Б) МРТда аксиал текисликда геморрагик кисталар учун хос бўлган Т2 тасвирда сигналнинг гетероген интенсивлиги билан бир камерали юпқа деворли кистоз ҳосила аниқланади. С) Т2 тасвирда аксиал текисликда сигнал интенсивлиги паст ва периферия бўйлаб гипоинтенсив ҳалқага эга бўлган бир камерали кистоз ҳосила аниқланади. Т1 ва Т2 тасвирларда сигналларининг инверсияси геморрагия жойларида гемоглобиннинг биодеградацияси билан боғлиқ бўлиб, бу эндометриоид кисталар учун хосдир. Т2 тасвирда периферик ҳалқа гемосидерин мавжудлиги билан боғлиқ. Д) Т2 тасвирда сигнал интенсивлиги юқори бўлган, қалинлиги 3 мм дан ошмайдиган юпқа тўсиқларни ўз ичига олган кўп камерали кистоз ҳосила кўринади. Ҳосиланинг чегаралари аниқ ва бутун узунлиги бўйлаб кузатилади, четлари текис ва силлиқ (сероз цистоаденома).



**5-расм. Тухумдон хавфли ўсмаларнинг МРТ тасвирлари.** А) Т2 тасвирда аксиал текисликда иккала тухумдон проекциясида паст сигнал интенсивлигига эга бўлган кўплаб тугунлар билан мураккаб кистоз-солид тузилмалар кўринади. Киста деворларининг қалинлашиши, ички юзасида папилляр ўсимталар ва ташқи деворларининг деформацияси кузатилади. Кистоз бўшлиқларнинг таркиби ички тўсиқларнинг мавжудлиги билан юқори сигнал билан тавсифланади. В) Қалинлиги 4 мм дан ортиқ бўлган папилляр ўсимталари бўлган бир камерали кистоз тузилма кўринади - бу хавфликдан огоҳлантирувчи белги. С) Коронар Т2-муаллақ тасвирларда аралаш солид ва кўп камерали кистоз компонентли йирик ҳосила аниқланади; солид қисм сигналнинг паст интенсивлиги билан тавсифланади.

Ўсманинг нотўғри шакли, папилляр ўсимталарнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, Дуглас бўшлиғида суюқликнинг мавжудлиги, ўсма тури ва бошқалар билан тавсифланган хавфлик белгиларининг аксарияти тухумдонларнинг хавfli ва хавфсиз ўсмаларида турли частотада учраганлиги аниқланди, бу эса ўсманинг хавфсиз ёки хавfli шикастланишнинг гистологик кассасига тегишлилиги тўғрисида хатосиз хулоса чиқаришни қийинлаштирди (4-жадвал).

**Тухумдонларнинг хавфсиз ва хавфли ўсмалари бўлган беморлар  
гуруҳларида хавфлилик МРТ белгиларининг учраш частотаси (n, %)**

<b>МРТ белгилари</b>	<b>хавфсиз ўсмалар (n=54)</b>	<b>Хавфли ўсмалар (n=72)</b>
Ўсманинг нотўғри шакли	18 (33,3%)	52 (72,2%)
Кистоз-солид ёки асосан солид ҳосила тури	11 (20,4%)	65 (90,3%)
Ҳосил бўлишнинг ноаниқ контурлари	0%	44 (61,1%)
Қалинлашган (>3 мм) деворлар/тўсиқлар	6 (11,1%)	44 (61,1%)
Ички деворларнинг нотекислиги	25 (46,3%)	58 (80,6%)
Папилляр ўсимталарнинг мавжудлиги	9 (16,7%)	40 (55,6%)
Папилляр ўсимталарнинг катта ўлчамлари (>3 мм)	2 (3,7%)	34 (47,2%)
Ўсманинг солид компоненти ва миометрий сигналларининг нисбати (<1,5)	12 (22,7%)	46 (63,9%)
Регионар лимфа тугунларининг катталари (>1,0 см қисқа ўк бўйлаб)	5 (9,2%)	36 (50,0%)
қорин бўшлиғидаги метастазлар	0%	40 (55,6%)
Асцит мавжудлиги	3 (5,6%)	42 (58,4%)
Дуглас бўшлиғидаги ортиқча суюқлик	3 (5,6%)	28 (38,9%)
DWIда диффузия рестрикцияси	4 (7,4%)	26 (36,1%)

Хавфлилик ва хавфсизлик МРТ белгиларининг умумий учраш частотаси натижаларига кўра, тухумдонларнинг визуализацияланган ҳосилаларини таснифлашда МРТ тасвирларини таҳлил қилишнинг анъанавий усулининг самарадорлиги баҳоланди:

- Сезгирлиги (Se) 63,2%;
- Спецификлик (Sp) 82,1%;
- Аниқлик (Acc) 71,4%.

Ушбу ҳолат бизни тухумдоннинг хавфсиз ва хавфли ўсмаларини фарқлаш учун скоринг тизимини ишлаб чиқишга ундади. Ўсманинг табиатини башорат қилиш учун аҳамиятли (релевант) МРТ белгиларни танлаш Краскелл-Уоллис статистик усули бўйича амалга оширилди (5-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган 15 та МРТ белгисидан 13 тасида Н кўрсаткичида сезиларли фарқлар аниқланди, яъни 13 та белги хавфли ўсмалар синфини башорат қилиш учун релевант (аҳамиятли) бўлиб чиқди ва тухумдонлар хавфли ўсмаларининг МРТ белгилари сифатида талқин қилинди.

**МРТнинг аҳамиятлилик (релевантлик) кўрсаткичлари - Краскел-Уоллис статистик усули билан аниқланган тухумдонлар хосилаларининг хавфлилигини башорат қилиш белгилари**

№	МРТ белгилари	Кўрсаткич Н	P қиймати
1.	Ҳосила ўлчами >50 мм	3,548	0,06*
2.	Икки томонлама локализация	2,634	0,105*
3.	Ўсманинг нотўғри шакли	18,2	0,000
4.	III - IV МРТ –паттерн тури	68,5	0,000
5.	Ўсма контурларининг ноаниқлиги	50,3	0,000
6.	Деворлар/тўсиқларнинг қалинлиги 3 мм дан ортиқ	28,2	0,000
7.	Ички деворларнинг нотекислиги	15,9	0,000
8.	Папилляр ўсимталарнинг мавжудлиги	18,2	0,000
9.	Папилляр ўсимталар ўлчами >3мм	25,1	0,000
10.	T2ВИ да солид компонент сигнал интенсивлигининг миометрия сигнаliga нисбати	23,1	0,000
11.	Регионар лимфа тугунларининг катталашishi > 10 мм	15,2	0,000
12.	қорин бўшлиғида метастазлар мавжудлиги	43,6	0,000
13.	Асцит	37,1	0,000
14.	Дуглас бўшлиғидаги ортиқча суюқлик	18,3	0,000
15.	DWI да диффузияни чекланиши	10,0	0,002

Танлаб олинган 13 та релевант белгилар асосида машинали ўқитиш усулидан фойдаланиб логистик предиктив моделни қуриш билан кўп вариантли регрессион таҳлил келтирилган. Кўп вариантли регрессия тухумдон ўсмаларининг хавфсиз ёки хавfli табиатини башорат қилиш учун прогностик моделни яратиш учун мустақил ўзгарувчилар - предикторлар сифатида ишлатиладиган муҳим, мустақил - мултиколлинеар бўлмаган белгиларни аниқлади. Улар 5 та МРТ белгилари бўлиб чиқди: 1) ҳосила шакли; 2) ҳосила деворларининг қалинлиги; 3) папилляр ўсимталар бор-йўклиги; 4) регионар лимфа тугунларининг катталиги; 5) чанок бўшлиқларида суюқлик мавжудлиги.

Ушбу белгилар асосида ўсманинг гистологик синфини башорат қилишнинг логистик регрессия модели яратилди ва у қуйидаги регрессия тенгламаси билан тавсифланди:

$$Y = 1 / (1 + \exp(-(-4,46856 + 3,09234 * x_1 + 2,00053 * x_2 + 2,37226 * x_3 + 1,27840 * x_4 + 2,53123 * x_5))), \text{ бу ерда:}$$

Y - хавfli ўсма индекси;

x<sub>1</sub> - девор қалинлиги;


x2 - лимфа тугунлари ўлчами;

x3 - ҳосила шакли;

x4 - папилляр ўсимталар;

x5 - чаноқ бўшлиқларида суюқлик мавжудлиги

Моделнинг самардорлиги ROC-таҳлили билан тасдиқланган (6-расм).



### 6-расм. Тухумдон ҳосилалари табиатини башорат қилиш моделининг ROC -MPT эгри чизиғи

AUC эгри чизиғининг ROC остидаги майдон  $0,942 \pm 0,022$ ,  $p \approx 0,001$  ни ташкил этди, 95% ишонч оралиғи 0,885 дан 0,976 гача, сезгирлик 94,4%, ўзига хослик 81,1%, башорат қилиш аниқлиги 87,9%, ижобий башорат қилиш қиймати 94,7%, салбий башорат қилиш қиймати 75,0%, дискриминация чегараси  $> 0,3062$ .

